10. Ефимов Г. «Колористика города», - М., 1980 г.
11. Ю.БедаГ. В. «Живопись» - М., 1986 г.
12. «Школа изобразительного искусства» -М., 1989 г.
13. Одноралов Н. В. «Материалы, инструменты и оборудование в изобразительном искусстве ». - М., 1988 г
14. П.Волков НН. «Цвет в живописи». -М., 1985 г.
15. Пучков А. С., Триселев А. В. «Методика работы над натюрмортом» „1982.
16. Соибов Т.З., Бекматов С.Р. "Раем" Т. - 2000

Қўшимча адабиётлар

1. Соибов Т.З., Бекматов С.Т. “ рангтасвир ва интерьер” (ўқув қўлланма) 2001 й.
2. Памаюнов В.Н. “Рисунок живописи” (уч пос.) 1971 г.
3. Беда Г.Б. “Живопись и ее изобразительное средство” (уч пос.) 1971 г.
4. Соибов Т.З., Бекматов С.Р. "Раем" Т. - 2000
5. Бородина М. Р., Зойиров Г. А., «Скульптура» Учебное пособие ТАСИ 2001 г.
6. Зойиров Г.А., Бородина М.Р Хайкалтарошлик Укув кулланма ТАКИ 2002 й.
7. Бородина М.П Лепка-скульптура Учебное пособие ТАСИ. 2007 г.
8. Лантери Э. «Лепка». Перевод с англ., - М Изогиз 2003 г.
9. Ф.Г. Юлдашев. “Аналитический рисунок”. 2006 г.
10. Н.Т. Султанов «Роль рисунка в формировании профессии архитектора» Канд дис. 1981г. Академия художеств. Питербург.

3.«РАНГТАСВИР» ЎҚУВ КУРСИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

“Рангтасвир” ўқув курсининг долзарблиги ва ўқитиш структураси

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш» китобида ёш авлодни таълим-тарбияси энг муҳим долзарб муаммо эканлигини таъкидлайди: “Ёш авлодимизнинг қалби ва онгини асраш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, фарзандларимизнинг дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнларнинг маъно-мазмунини ва асл сабабларини чуқур англаши, ўз атрофида рўй бераётган воқеалар ҳақида ҳаққоний маълумотларга, энг муҳими, мустақил фикрига, содда қилиб айтганда, оқни қорадан ажратишга қодир бўлишига эришиш таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларимизнинг асосий шarti ва мезони бўлиши даркор.”¹

“Фақат ҳар томонлама етук авлодгина бугун ҳаёт олдимизга қўяётган ўта мураккаб, оғир синов ва қийинчиликларни енгиш, кўзланган юксак марраларни эгаллашнинг энг асосий шarti ҳисобланади. Юртимизнинг эртанги ривожини йўлида тузилган дастурлар, бу режаларни бажариш учун яратилган моддий асос ва имкониятлар, сафарбар этилган сармояларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли омил – бу юқори малакали ишчи кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшлар ҳисобланади.”²

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш ишининг ҳаётий зарурати ва долзарблиги ҳақида гапирар эканлар, «Инсон шахсини, унинг юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёш авлодни бой маданий меросимиз ҳамда тарихий қадриятларимизга ҳурмат-эътибор, мустақил Ватанимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш талаблари олдимизга муҳим вазифаларни қўймоқда» деб алоҳида таъкидлайдилар. Бу вазифалар, биринчи навбатда келажаkning бунёдкорлари бўлмиш ёш авлоднинг билим олиш, юқори малакали кадрлар бўлиб ўз юрти ва ҳалқига ситқидилдан меҳнат қилиш, озод юрт равнақи ва бахт-саодати учун ҳалол меҳнат қилишга ўргатишни назарда тутди. Зеро, мустақиллик айнан фидоий, ўз Ватани манфаатларига ғоят садоқатли, юқори малакали кадрларнинг жамиятни бошқаришини тақозо этади.

Замонавий кадрлар олдига қўйилаётган энг муҳим вазифалардан бири - малакали мутахассислар сифатида ўзлигини, ўз қобилиятлари, индивидуаллиги, шахсий фазилат ҳамда хислатларини билган тарзда атрофидагилар меҳнатини оқилона ташкил этиш ва ижтимоий фойдали меҳнатнинг барча соҳаларида иқтидорли касб соҳиби сифатида фаолият кўрсатишдир. Бу ўринда инсон руҳияти қонуниятларини ўрганувчи психология фанининг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Ёш авлодни янгича таълим стандартлари асосида, жаҳон талабларига жавоб берувчи мутахассислар қилиб тарбиялаш иши олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшлар учун янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари, рисоалар тайёрлашнинг ҳам янгича услубларини талаб этмоқда. Ушбу ўқув қўлланма ёшларга айнан психологик билимлар асосларини берса-да, умид қиламизки, уларни ўз атрофида рўй бераётган ислохотларга ҳолис баҳо бериш, ўзи ва ўзгалар руҳияти сир-асрорларини бефарқ бўлмаслик, ўз лаёқатларини ўстиришнинг элементар воситаларидан бохабар бўлишга ёрдам беради. Чунки шахсина ўз қобилияти, иқтидори, лаёқати,

¹ Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.

² Каримов И.А. “Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдеворидир”. Президент Ислом Каримнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2009 й., 6 декабрь.

тафаккури, диққати, характери хусусиятларини билиб, уни тўғри йўналтира олса, бу нафақат шахснинг ўзига, балки жамият учун ҳам катта наф келтиради. Шундай экан, ҳозирги кунда Рангтасвир фани сир-асрорларини ҳар бир талаба учун зарур бўлган жиҳатларини, чунончи: рангтасвир бошқа фанлар билан интеграциялашуви, ҳамкорлиги, боғлиқлигини; рангтасвир замонавий йўналишлари, тармоқларини; шахсни психологик диагностика қилиш усулларини; шахс ва жамият муносабатларини уйғунлигини; шахс фаолияти ва ҳатти-ҳаракати мотивларини; фаолияти турларини; шахсда кузатиладиган психик жараёнлар: сезги, идрок, диққат, хотира, тафаккур, ҳаёлни билиш ва уларни бошқариш қонуниятларини қўллай олишни; шахсдаги қобилият, характер ва темперамент каби индивидуал психологик хусусиятларнинг шахс фаолияти ва ҳаётидаги тутган ўрнини; замонавий педагогик технологиялар асосида дарс услубиётини яратиш, педагогик фаолияти, маҳорати ва самарасида турли усулларни билиш, шахснинг турли ёш давларга боғлиқ хусусиятларини; шахснинг мулоқот жараёнидаги шакл, тур, воситаларини; шахснинг гуруҳга ва ўз навбатида гуруҳнинг шахсга таъсирини; ўқув ва тарбия жараёнида қўллаш мумкин бўлган самарали усулларни билиш, ўрганиш муҳимдир.

Бакалавр босқичи талабаларига мўлжалланган « Рангтасвир » курсининг асосий **мақсади** – ўзбек халқининг қадимий маърифий меъросининг қимматли манбалари ҳамда уларда илгари сурилган ғояларни ўқиб ўрганиш, шахс маънавиятини юксалтириш, шунингдек, жамият тараққиётини таъминлашга хизмат қилувчи қарашларни ҳозирги замон рангтасвир тафаккур истеъмолига киритишдан, рангтасвир тушунчасини ва малакаларни янада мустаҳкамлашдан, ёшлар онгида янгича тафаккур ва дунёқараш шаклланишининг бадий ижодий таъсир механизмларига оид билимлар беришдан, шахс баркамол бўлишида рангтасвир фанининг ўзига хос таъсир шароитларини ўргатишдан иборатдир. Рангтасвир атроф муҳитни тафаккур этиш ва бадий шаклларни ифодалаш, реал борлиқни бутун бойлигини намоён этган ҳолда тасвирлаш, бадий образлар шаклида амалга ошириш, ёруғ ва соя; умумтон, ранг муносабатлари ва тасвир яхлитлиги, натурадан (натюрморт, манзара), портрет ишлаш, эмоционал бадий ифодасини бера билиш, шакллилик, ашёлилик ва фазо сифатларини рангтасвир ифода воситалари орқали бера билиш, рангтасвир мактаблари замонавий йўналишларини ўргатади.

Рангтасвир тасвирий санъат асари яратишдаги асосий восита бўлиб, ҳаётийликни акс эттирмоқ, англамоқ ва бадий образ сифатида амалга оширишни назарда тутати. У эмоционаллик ва мантикийликнинг табиий бирлашуви ҳамда шаклнинг аниқ ифодаси, пластик сифатлари ва ашёлилик даражасининг ички мазмун билан бойитилиши, соялар теорияси қоидалари – ёруғ, ёруғ соя, соя, рефлекс ва ёруғда (блик) ўтаёруғ, рангтасвирда ёруғ-соя ва тон муносабатлари қонун қоидалари, шакл жиҳатидан мураккаб ашёлар рангтасвири шаклланиши ва ривожини ўргатади.

«Рангтасвир» курсининг асосий вазифаларига:

Рангтасвир фани «Дизайн» соҳасида ўқийдиган асосий фанлардан бири ҳисобланади. Рангтасвир фани талабаларни инсон қиёфасини қаламда чизиб олиб уни рангда тасвирлашгача бўлган ўқув жараёнини ўз ичига олади.

Бу босқичда талабалар оддий геометрик предметлар, уй рўзгор буюмлари, мева ва гуллардан тузилган натюрмортларни композицион жойлаштириш ва қуриш, енгил ранглар билан ранглар уйғунлигини кўрсатган ҳолда ишлаш ва умумий яхлитликда тугаллаш босқичини амалда бажаришлари лозим.

Тасвир асосан икки этапга бўлиб ишланади. Куз ва баҳор мева ва гулларида тузилган натюрмортни композицион ва ранг жиҳатидан мураккаблаштирилган ҳолда бажариш талаби қўйилади.

Рангтасвир фанининг асосий вазифаси талабаларда ижодий тасаввурни ўстириш; ҳаётда воқеаликни кўриб идрок этиш; бадий дид ва маданиятни таркиб топителиш, барча санъат соҳаларида композицияни қўллай билиши; фандан олган билимларини ҳаётда ва ўқитувчилик касбида унумли фойдаланишни таъминлашдан иборат.

Рангтасвир фанининг асоси амалий машғулотлар жараёнида ижодкорликка йўналтириш ва мустақил тасвирий санъат намунасини яратиш устида ишлашни шакллантиришга йўналтирилгандир. Санъатда мазмун ва ғоянинг энг яхши ечимини топиш, ижодий маҳоратни ошириш нафосат тарбиясининг зарурий қисми, муҳим

рангтасвир фани бўйича талабаларнинг бадиий ва ижодий билимлари даражасини кенгайтириш.

рангтасвир усталари мероси ва улар ғояларига нисбатан тўғри муносабатда бўлиш, кўникмаларни шакллантириш;

республикамізда комил инсонни вояга етказишнинг бир бутун ҳолатдаги муаммоларини ҳал қилиш;

рангтасвир фани долзарб вазифалари, муаммоларини таништириш,

рангтасвир курси бўйича ўтказиладиган амалий машғулотларнинг мақсади – мустақил фикрлашга ўргатиш, фикрлашга оид кўникмаларни ривожлантириш ва муомала сирларига ўргатишдан иборат бўлиб, пировардда бу билим ва кўникмалар орқали рангтасвир билимларни амалиётга тадбиқ этиш соҳа ва йўналишларини аниқ тасаввур қилишга кўмаклашади.

“Рангтасвир” фани бўйича талабаларнинг билими, уқуви ва кўникмасига кўйиладиган талаблар:

а) тасаввурга эга бўлишлари керак:

- фанга тегишли бўлган назарий ва амалий маълумотларни ўрганиш, аниқ тасаввурга эга бўлишлари;
- ҳар бир элементга эътибор берган ҳолда, фан сирларини тўлиқ ўзлаштириб олишлари лозим.
- Рангтасвир фанини бозор иқтисодиёти шароитидаги ўрни ва аҳамиятини билиш;
- жамоа меҳнатини ташкил этиш ва бошқаришдаги рангтасвир қонуниятлар, ижтимоий мулоқот ва муомаланинг сирлари; меҳнатга тўғри мотивация муносабатини шакллантириш омиллари тўғрисидаги тасаввурларга эга бўлиш;
- шахснинг индивидуал, жинсий ва ёшга боғлиқ хусусиятлари, етуқлик даврида шахс тараққиётининг рангтасвир қонуниятлари; эътиқод ва соғлом дунёқарашни шакллантириш омиллари, ҳар бир ижтимоий вазиятда фуқаролик онги ва масъулиятини шакллантириш воситаларини аниқлай олиш.

б) билиш керак:

- талабалар курсни ўзлаштириш жараёнида фаннинг мазмуни, мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, фаннинг назарий асосларини;
- фанга тегишли бўлган асосий терминларнинг изоҳини, янгиликлар, қонун – қоидаларни ўзлаштиришлари зарур;
- ўзгаларга таъсир кўрсатиш ва ўз-ўзини бошқариш малакалари;
- ўз иқтидори ва қобилиятларини ўстириш технологияларни ўзлаштириш;
- меҳнат жамоаларидаги бадиий ижодий иқлимни ўрганиш ва уни мувофиқлаштириш малакалари;

в) бажариш лозим:

- талабалар фаннинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир мавзуга тегишли бўлган мустақил равишда керакли адабиётлардан фойдаланишлари, ижодий асарлар тайёрлашлари;
- кунлик дарсларда керакли маълумотларни йиғишлари, ноанъанвий усулларни такомиллаштирилган вариантларини ишлаб чиқишда иштирок этишлари.
- ўз устида мустақил ва ижодий ишлаш кўникмалари;
- ўзгалар меҳнати ва ижодий фаолиятини ҳолис ва объектив баҳолаш.

“РАНГТАСВИР” ЎҚУВ ФАНИНИНГ МАЗМУНИ

I - БЎЛИМ

1 – Мавзу: РАНГТАСВИР ФАНИ ХАКИДА УМУМИЙ СУХБАТ.

Рангтасвир фанининг пайдо бўлиши. Жамиятнинг тарихий тараққиёти давомида рангтасвир фанининг ўрни ва ролининг ортиб бориши. Ўзбекистонда эркин демократик, фукаролик жамиятни шакллантиришда рангтасвир фанининг аҳамияти.

Рангтасвир фанининг ижтимоий фанлар тизимидаги ўрни ва уларга нисбатан бўлган муносабатининг ўзига хослиги. Рангтасвир фанининг илмий, назарий, амалий ва келажакни белгилаш функциялари. Ёш авлодни ижодий дунё қараши тарбияси ҳамда таълим муаммосини ишлаб чиқишда рангтасвир фанининг аҳамияти.

Рангтасвир фанининг асосий категориялари: тарбия, таълим, маълумот, ўқитиш, ўзини ўзи тарбиялаш, мустақил ўқиш.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлаш шароитида рангтасвир фанининг бадиий ижодий аҳамияти, уларнинг вазифаси, йўналишлари. Рангтасвир фанининг тадқиқотларнинг турлари: асосий, назарий, амалий.

Рангтасвир фанининг бадиий ижодий методлари, тавсифи ва турлари. Амалий тадқиқот услублари: қиёсий, тарихий таҳлил қилиш ва лойихалаштириш, эмпирик усуллари, илмий педагогик кузатиш ва унинг турлари.

Дизайнер талабаларига рангтасвир фанининг асосий вазифаси талабаларда ижодий тасаввурни ўстириш; ҳаётда воқеаликни кўриб идрок этиш; бадиий дид ва маданиятни таркиб топителиш, барча санъат соҳаларида композицияни қулай билиши; фандан олган билимларини ҳаётда ва ўқитувчилик касбида унумли фойдаланишни таъминлашдан иборат.

Рангтасвир фанининг асоси амалий машғулотлар жараёнида ижодкорликка йўналтириш ва мустақил тасвирий санъат намунасини яратиш устида ишлашни шакллантиришга йўналтирилгандир. Санъатда мазмун ва ғоянинг энг яхши ечимини топиш, ижодий маҳоратни ошириш нафосат тарбиясининг зарурий қисми, муҳим ўрни.

Рангтасвирнинг тасвирий санъатда тугган ўрни; дастгоҳли, монументал, декоратив рангтасвирнинг фарқловчи томонлар, реалистик рангтасвир қонунлари, композиция асослари, иссиқ ва совуқ ранглар, колорит, ритм, тус, ёриғлик, ранг доғи, умумий тус ва ранг бўёғи, турли тасвирлаш материаллари хусусиятлари, ранг уйғунлиги қонуниятлари, турли тасвирлаш воситаларидан фойдаланиш йўллари, ранг гаммаси, мотив, хиссийлик, яхлит кўриш, рангтасвир ишлаш методлари; суюлтиргичлар, мато, грунтлар, суюқ ишлов бериш, суртма; рангтасвир ашёлар; акварель, темпера, гуаш ва мойбўёқлар тўғрисида кўникмаларига эга бўлмоғи керак.

II- БЎЛИМ

Ўқув курси бўйича амалий машғулотларда ўқитиш технологияларини ишлаб чиқишнинг концептуал асослари

Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўлидан ривожланиб, халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнини топмоқда. Давлатимизнинг мустақил тараққиёт йўлини таъминлаш учун ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маърифий соҳаларда чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Жамият ва инсон манфаатига қаратилган бу ислохотларнинг самараси бевосита таълим тизимида тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг салоҳиятига боғлиқдир.

Шу боис мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб сифатли кадрлар тайёрлашга қодир миллий асосга қурилган ва жаҳондаги илғор давлатлар таълими

тараққиёти тажрибаларига таянадиган кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш асосий вазифаларидан бирига айланди. 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” миллий таълим тараққиёти ва миллий кадрлар тайёрлаш тизими истикболларини белгиловчи ҳужжат сифатида бу соҳадаги ишларни ривожлантиришда яна бир тарихий давр бошланишига замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати жаҳон андозаларига мос келадиган кадрлар тайёрлаш масалаларига эътиборни қаратиб келмоқда. Дарс жараёнини бошқариш ва ташкиллаштиришда профессор-ўқитувчининг билими, тажрибаси, кўникмаси, илмий-педагогик салоҳияти, маҳорати, қобилияти асосий омил ҳисобланади. Шунга кўра, жумладан маърузани оддийдан мураккабга қараб ривожлантириб қўлланиладиган ўқув қўлланмалар ва воситалар тайёрланади. Ўқув хонаси дарс учун тайёрлаб қўйилади.

Ўқитувчи маъруза қила туриб қуйидагиларга эътибор қаратади:

- Талабаларни савол-жавобга ундаш орқали гуруҳда муҳокама муҳитини яратади, ижобий жавобларни шакллантиради;
- вақтинча эркин фикр алмашишга рухсат беради;
- кундалик ҳаётдан ибратли мисоллар келтиради;
- талабаларни савол беришга ундайди;
- илгари ўрганилган ҳодиса ва вазиятларни янгилари билан таққослашни амалга оширади;
- фан доирасида турли маълумотларни жонли, қизиқарли баён қилади.

Дарс жараёнида талабанинг танқидий (тахлилий) фикрини шакллантиришда, унга босқичдан фойдаланилади:

1. Йўлланма бериш;
2. Аҳамиятини ошириш;
3. Фикрлаш.

Талабаларнинг танқидий (тахлилий) фикрини ривожлантиришда интерактив услубларнинг муҳим ўрни бор, булар ҳамкорлик субъектларини ижодий изланишга йўналтириш, номаълум ҳолатни очишга, кашф этишга кўмак берувчи назарий-ақлий мулоҳазаларда ифодаланади.

Дарсни бошлаш жараёнида талабаларда кўтаринки кайфият, юксак эҳтирос, ижодий руҳланиш кузатилса дарс жараёнининг самарадорлиги юқори бўлади. Бунда ўқитувчининг фаолияти аниқ режа асосида, олдиндан тайёрланган ҳолда бўлиши зарур. Демак, ўқитувчи томонидан дарс давлат таълим стандартлари асосида олиб борилади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичи таълим жараёнидаги сифат кўрсаткичларини яхшилаш, яъни жаҳон андозаларига мос, рақобатбардош, юқори савияга эга бўлган мутахассислар тайёрлашдир. Ушбу мураккаб муаммоларни ечимини топиб уларни амалда кенг қўллаш олий таълим тизими ходимлари олдида жуда катта вазифалар белгилайди. Бунда аниқ вазифалар сифатида бевосита ўқув жараёнини яхшилаш, ўқув дастурларини янада такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий педагогик технологияларини амалга жорий қилиш, техник воситаларидан кенг фойдаланиш ва шу асосда масофадан ўқитишни кенг жорий қилишдан иборатдир.

Таълим сифати ва усулига қараб билим ҳосил бўлади. Бу ўқитувчининг маҳоратинигина эмас, балки тингловчининг истак-хоҳиши, қобилияти ва билим даражасини ҳам белгилайди. Таълим узоқ давом этадиган жараёндир. Билим эса таълимнинг узлуксизлиги воситасида бериладиган мавҳум тушунчага эга бўлган ҳодисадир. Билим хусусийликка эга бўлса, таълим умумийликка эгадир. Таълим барча учун бир хилда давом этадиган жараён. Билим объектив борлиқдаги воқеа-ҳодисаларнинг инъикоси натижасида инсон миёсидаги мушоҳадалар ва тасаввурлар натижасида ҳосил бўладиган тушунчалар йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Таълимдаги сифат уни беришда иштирок этадиган кишилар сифати билан белгиланса, билим индивидуалликка

эга бўлади. Таълимни амалга оширадиган ёки дарс берадиган кишиларнинг савияси турлича бўлиши мумкин. Лекин гуруҳдаги талабаларга бериладиган таълим бир хилдир. Ўқитувчи билим эмас, балки таълим беради. Талаба эса ана шу таълим жараёнида билимга эга бўлади. Бунинг учун у мустақил ўқийди, тайёрланади, мушоҳада қилади, тасаввурларга эга бўлади, эшитганлари ва ўқитганларини синтез қилади. Натижада билимга эга бўлади.

Ўқув жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар қуйидагилар: юқори илмий-педагогик даражада дарс бериш, муаммоли маърузалар ўқиш, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа қўлланмалардан фойдаланиш, тингловчиларни ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, ижодкорликка ундаш, эркин мулоқот юритишга, ижодий фикрлашга ўргатиш, илмий изланишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устиворлигини таъминлайди.

Айтилганлардан келиб чиққан ҳолда, «Рангтасвир» ўқув курси бўйича таълим технологиясини лойиҳалаштиришдаги асосий концептуал ёндошувларни келтирамиз:

Шахсга йўналтирилган таълим. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутати. Бу эса таълимни лойиҳалаштириладиётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошилишни назарда тутати.

Тизимли ёндошув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жарённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

Фаолиятга йўналтирилган ёндошув. Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятни активлаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

Диалогик ёндошув. Бу ёндошув ўқув жараёни иштирокчиларнинг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Демократилик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги субъектив муносабатларда ҳамкорликни, мақсад ва фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларида бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усуллари, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усуллари қўллаш – янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллаш.

Келтирилган концептуал йўриқларга асосланган ҳолда, «Компьютер моделлаштириш» курсининг мақсади, тузилмаси, ўқув ахборотининг мазмуни ва ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, маълум шароит ва ўқув режасида ўрнатилган вақт оралиғида ўқитишни, коммуникацияни, ахборотни ва уларни биргаликдаги бошқаришни кафолатлайдиган усуллари ва воситалари танлови амалга оширилди.

Ўқитишнинг усуллари ва техникаси. Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммовий усул, кейс-стади, пинборд, парадокслар ва лойиҳалар усуллари, амалий ишлаш усули.

Ўқитишни ташкил этиш шакллари: диалог, полилог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, коллектив ва гуруҳ.

Ўқитиш воситалари ўқитишнинг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда - компьютер ва ахборот технологиялари.

Коммуникация усуллари: тингловчилар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

Тескари алоқа усуллари ва воситалари: кузатиш, блиц-сўров, оралик ва жорий ва яқунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси.

Бошқариш усуллари ва воситалари: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

Мониторинг ва баҳолаш: ўқув машғулотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида просморт топшириқлари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади.

Рангтасвир фанларини ўқитишнинг асосларини белгилаш, рангтавир таълимнинг мақсади, вазифалари ва мазмуни тушунчалари.

Янгиланган педагогик тафаккур ва олий таълим муассасаларида рангтасвир фанини ўқитишнинг бадиий ижодий асослари янгиланаётган миллий рангтасвир фанининг талаблари асосида рангтасвир таълим жараёнида рўй берган, бераётган ва бўлиши муқаррар ўзгаришларнинг асосий хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан умумлаштиришга эҳтиёж туғилади. Рангтасвир таълимнинг ўзак масалаларини ҳал этмай туриб, унинг хусусий муаммоларини тўғри ечиб бўлмайди-ки, айнан мазкур жараён орқали шахс маънавияти шакллантирилади.

Сўнгра курс бўйича ўқитиш технологиялари лойиҳалаштирилган: Амалий машғулотларнинг бу тарзда олиб борилиши ўқув жараёнининг қизиқарли ва жонли бўлишига олиб келади.

Мазкур таълим технологияси барча “Рангтасвир” ўқув курсини олиб боришда ўқитувчи томонидан қўлланилиши мумкин.

Курслар бўйича ўқиш:

1 курс: дизайн талабаларига рангтасвир фанининг асосий вазифаси талабаларда ижодий тасаввурни ўстириш; ҳаётда воқеаликни кўриб идрок этиш; бадиий дид ва маданиятни таркиб топитириш, барча санъат соҳаларида композицияни қўллай билиши; фандан олган билимларини ҳаётда ва ўқитувчилик касбида унумли фойдаланишни таъминлашдан иборат. рангтасвир фанининг принциплари билан танишиш, рангтасвир фани ҳақида умумий суҳбат дизайнер талабаларига акварел, яъни сувбўёқ билан ишлаш услуги ва рангтасвирнинг иссиқ ва совуқ рангларга бўлиниши ҳамда улардан қандай фойдаланиш ҳақида тушунча бериш, рангтасвир фанининг асоси амалий машғулотлар жараёнида ижодкорликка йўналтириш ва мустақил тасвирий санъат намунасини яратиш устида ишлашни шакллантиришга йўналтирилгандир, санъатда мазмун ва ғоянинг энг яхши ечимини топиш, ижодий маҳоратни ошириш нафосат тарбиясининг зарурий қисми, муҳим ўрни ўргатиш, рангтасвирнинг тасвирий санъатда тутган ўрни; дастгоҳли, монументал, декоратив рангтасвирнинг фарқловчи томонлар, реалистик рангтасвир қонунлари, композиция асослари, иссиқ ва совуқ ранглар, колорит, ритм, тус, ёриғлик, ранг доғи, умумий тус ва ранг бўёғи, турли тасвирлаш материаллари хусусиятлари, ранг уйғунлиги қонуниятлари, турли тасвирлаш воситаларидан фойдаланиш йўллари, ранг гаммаси, мотив, хиссийлик, яхлит кўриш, рангтасвир ишлаш методлари; суюлтиргичлар, мато, грунтлар, суюқ ишлов бериш, суртма; рангтасвир ашёлар; акварель, темпера, гуаш ва мойбўёқлар тўғрисида кўникмаларига эга бўлмоғи керак.

2 курс: Рангтасвир фанининг бадиий ижодий методлари, тавсифи ва турлари. Амалий тадқиқот услублари: киёсий, тарихий таҳлил қилиш ва лойиҳалаштириш, илмий педагогик кузатиш ва унинг турлари.

Дизайнер талабаларига рангтасвир фанининг асосий вазифаси талабаларда ижодий тасаввурни ўстириш; ҳаётда воқеаликни кўриб идрок этиш; бадиий дид ва маданиятни таркиб топитириш, барча санъат соҳаларида композицияни қўллай билиши; фандан олган билимларини ҳаётда ва ўқитувчилик касбида унумли фойдаланишни таъминлашдан иборат, ўзига хослиги, рангтасвир фанининг илмий, назарий, амалий ва келажакни белгилаш функциялари, ёш авлодни ижодий дунё қараши тарбияси ҳамда таълим муаммосини ишлаб чиқишда рангтасвир фанининг аҳамияти, рангтасвир фанининг асосий категориялари: тарбия, таълим, маълумот, ўқитиш, ўзини ўзи тарбиялаш, мустақил ўқиш, рангтасвир фанининг асоси амалий машғулотлар жараёнида ижодкорликка йўналтириш ва мустақил тасвирий санъат намунасини яратиш устида ишлашни шакллантиришга йўналтирилгандир. Санъатда мазмун ва ғоянинг энг яхши ечимини топиш, ижодий маҳоратни ошириш нафосат тарбиясининг зарурий қисми, рангтасвирнинг тасвирий санъатда тутган ўрни; дастгоҳли, монументал, декоратив рангтасвирнинг фарқловчи томонлар, реалистик рангтасвир қонунлари, композиция асослари, иссиқ ва совуқ ранглар, колорит, ритм, тус, ёриғлик, ранг доғи, умумий тус ва ранг бўёғи, турли тасвирлаш материаллари хусусиятлари, ранг уйғунлиги қонуниятлари, турли тасвирлаш воситаларидан фойдаланиш йўллари, ранг гаммаси, мотив, хиссийлик, яхлит кўриш, рангтасвир ишлаш методлари; суюлтиргичлар, мато, грунтлар, суюқ ишлов бериш, суртма; рангтасвир ашёлар; акварель, темпера, гуаш ва мойбўёқлар тўғрисида кўникмаларига эга бўлмоғи керак.

3 курс: талабаларнинг танқидий (тахлилий) фикрини ривожлантиришда интерактив услубларнинг муҳим ўрни бор, булар ҳамкорлик субъектларини ижодий изланишга йўналтириш, номаълум ҳолатни очишга, кашф этишга кўмак берувчи назарий-ақлий мулоҳазаларда ифодаланади,

Таълим сифати ва усулига қараб билим ҳосил бўлади. Бу ўқитувчининг маҳоратинигина эмас, балки тингловчининг истак-хоҳиши, қобилияти ва билим даражасини ҳам белгилайди, таълим узоқ давом этадиган жараёндир, билим эса таълимнинг узлуксизлиги воситасида бериладиган мавҳум тушунчага эга бўлган ҳодисадир, билим хусусийликка эга бўлса, таълим умумийликка эгадир. Таълим барча учун бир хилда давом этадиган жараён. Билим объектив борлиқдаги воқеа-ҳодисаларнинг инъикоси натижасида инсон миёсидаги мушоҳадалар ва тасаввурлар натижасида ҳосил бўладиган тушунчалар йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Таълимдаги сифат уни беришда иштирок этадиган кишилар сифати билан белгиланса, билим индивидуалликка эга бўлади. Таълимни амалга оширадиган ёки дарс берадиган кишиларнинг савияси турлича бўлиши мумкин. Лекин гуруҳдаги талабаларга бериладиган таълим бир хилдир. Ўқитувчи билим эмас, балки таълим беради. Талаба эса ана шу таълим жараёнида билимга эга бўлади.

Дизайнер талабаларига рангтасвир фанининг асоси амалий машғулотлар жараёнида ижодкорликка йўналтириш ва мустақил тасвирий санъат намунасини яратиш устида ишлашни шакллантиришга йўналтирилгандир. Санъатда мазмун ва ғоянинг энг яхши ечимини топиш, ижодий маҳоратни ошириш нафосат тарбиясининг зарурий қисми, муҳим ўрни.

Аслида натюрморт рангтасвир ва қалам тасвири ўзлаштиришнинг қатъий қонунлари (конструктив ва ҳаво перспективаси) учун мутаносиблиги, ҳажми (материальность) (нарсдан ишланганлиги) учун жойланиши, ранг уйғунлигининг умумийлиги, тасвирланаётган нарса ва ўртанинг ўзига хос ўзгаришлигини тасвирлаш учун эстетик хусусиятлари ва жозибадорлигини акс эттиришдир.

Шунинг учун ўсма моҳир рассомлар жиддий асар яратишдан олдин бошқа жанрларда: манзара, портрет ва ҳоказо натюрмортларни чизадилар ғоявий санъат мактаби бўлиб, бўлғуси ижодкорда тасвирий дид ва рангтасвир санъатидаги хусусиятни тарбиялайди. Кўриб турган ҳаёт борлиқни, буюмларни саралаб, дид билан натюрмортлаштириш сирларини ўргатади.

Рангтасвирнинг пластик ва колористик маҳорат қирралари яққол кўринади. Натюрмортни кўр - кўрона механик тарзда жонсиз нарсаларни кўчиргандек қоғоз юзасига кўчириб қўйиш керак эмас. Фаол муаллифлик муносабати бўлиши керак, натурага нисбатан унинг ўхшашлиги билан бирга ундаги ўзига хос нафислигини ғоявий - санъат асари даражасига олиб чиқиш зарур.

Ўқув-методик натюрмортларда ҳамма натюрмортларда бўладиган мажбуриятлар бараварига берилмаслиги мумкин ва аста-секинлик билан берилади. Масалан: бир натюрмортда қарама-қарши рангларнинг уйғунлигини бериш, буюмларнинг қўшничилигидаги лекин рангтасвири - пластик умумийлик, маънонинг бирдамлиги йўқолмаслиги керак.

Шу нарсаларни оддий ва жозибадор, жарангдор қилиб натюрмортлигини ташкил этиш ва тасвирлаш зарурдир. Бу эстетик дид, ғоявий фантазия (тасаввурини), ижодий маънони топа билиш, муаллифлик, ўзига хосликни талабалардан талаб қилади.

Бир-бирига ўхшаш буюмлардан ҳам натюрмортни чиройли ташкил қилиб, узоқ вақт чизиладиган рангтасвирларни ишлаш қийин, шу сабабли бу сахналаштирилган натюрмортларнинг табиий гўзаллик инсонга бошқача бир ўзига хос ҳис-туйғу ва илҳом бағишлайди. Кундалик ҳаётимиз учун зарур анжомларнинг ўзига хослигини илғаб олиш ва уларни тасвирлашга ҳаракат қилинг. Биринчи композитсиён-пластик ечимига аҳамият бериш, шаклга рангда ишлов беришда ранглар бирлиги ва чуқурлиги характери, ўзига хос хусусиятини, нимадан ясалганлигини бериш керак, манзаранинг ҳаракатерли томонининг очиб бериш манзаранинг яхлит кўриниши кулранг, кўкимтир рангларда табиатнинг кўриниши, қуёшнинг ботиши билан боғлиқ, ер ва дарахтлар билан шу даражада боғланиб кетадики, уфқ сарқигиш, қизғиш табиат эса пушти, жигарранг, умумий иссиқ ранглар уйғунлигида бўлиб, ранглар иссиқлиги жуда чиройли ҳолатда, ажойиб нафис ранглар яхлитлигини ҳосил қилади. Талабаларга яна шуни кўрсатиб, ўргатиш керакки, табиатнинг бир дақиқаси ўтган сари унинг ранглари кўриниши ҳам ўзгариб боради. Масалан, уфқда ботаётган қуёш шунақа тез ботадики, уни баъзан сезмай қоласиз ёки осмонда сузиб юрган булутлар жуда тез ўз кўриниши ўзгартиради, шунинг учун этюд, манзара жуда тез ишланиши керак бўлади. Ишланган манзара табиатнинг қайси фасли бўлишидан қатъи назар, ўша кўриниши табиатнинг ранглар билан боғлиқ ҳолатини топа олинсагина манзара бадъий асарга айланади.

4 курс: дизайнер талабаларига бу ўқув йил жараёнида қўйилган натюрмортлар, манзара ва портретни ишлаш методикаси ўрганишни чуқурлаштириб, ўқув жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгилловчи ҳолатлар қуйидагилар юқори илмий-педагогик даражада дарс бериш, дарсларни қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа қўлланмалардан фойдаланиш, тингловчиларни ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдида қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, ижодкорликка ундаш, эркин мулоқот юритишга, ижодий фикрлашга ўргатиш, илмий изланишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устиворлигини таъминлаш турли геометрик шакллар, гипс розеткалар, ҳар турли уй жиҳозлари, антик даври гипс боши ва ҳайкалларнинг нусхалари, турли рангда драпировкалар, Довуд бош ҳайкали бўлаклари, анатомик ҳайкал намуналари, пластик анатомияга оид плакатлар, тасвирлаш конун қоидаларини намойиш этувчи плакатлар, ўзбек ва жаҳон санъат намояндаларининг бадий асарларидан намуналар, инсон скелети ва бош суягининг намуналари, бакалавр ишларидан намуналар.шунингдек инсон киёфасини тасвирлаш учун (портрет, ярим гавда) натура (киёфачи)ларни вазифада машғулотнинг мураккабликги билан ажралади.

ЎҚИТИШ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ўқитиш мақсади

Академик рангтасвир атроф муҳитни тафаккур этиш ва бадиий шаклларни ифодалаш, реал борлиқни бутун бойлигини намоён этган ҳолда тасвирлаш, бадиий образлар шаклида амалга ошириш, ёруғ ва соя; умумтон, ранг муносабатлари ва тасвир яхлитлиги, натурадан (натюрморт, манзара), портрет ишлаш, эмоционал бадиий ифодасини бера билиш, шакллилик, ашёлилик ва фазо сифатларини рангтасвир ифода воситалари орқали бера билиш, рангтасвир мактаблари замонавий йўналишларини ўргатади.

Рангтасвир тасвирий санъат асари яратишдаги асосий восита бўлиб, ҳаётийликни акс эттирмақ, англамоқ ва бадиий образ сифатида амалга оширишни назарда тутади. У эмоционаллик ва мантиқийликнинг табиий бирлашуви ҳамда шаклнинг аниқ ифодаси, пластик сифатлари ва ашёлилик даражасининг ички мазмун билан бойитилиши, соялар теорияси қоидалари – ёруғ, ёруғ соя, соя, рефлекс ва ёруғда (блик) ўтаёруғ, рангтасвирда ёруғ-соя ва тон муносабатлари қонун қоидалари, шакл жихатидан мураккаб ашёлар рангтасвири шаклланиши ва ривожини ўргатади.

Рангтасвир фани «Дизайн» соҳасида ўқийдиган асосий фанлардан бири ҳисобланади. Рангтасвир фани талабаларни инсон қиёфасини қаламда чизиб олиб уни рангда тасвирлашгача бўлган ўқув жараёнини ўз ичига олади.

Бу босқичда талабалар оддий геометрик предметлар, уй рўзгор буюмлари, мева ва гуллардан тузилган натюрмортларни композицион жойлаштириш ва қуриш, енгил ранглар билан ранглар уйғунлигини кўрсатган ҳолда ишлаш ва умумий яхлитликда тугаллаш босқичини амалда бажаришлари лозим.

Тасвир асосан икки этапга бўлиб ишланади. Куз ва баҳор мева ва гулларида тузилган натюрмортни композицион ва ранг жихатидан мураккаблаштирилган ҳолда бажариш талаби қўйилади.

Вазифалари

Дизайн талабаларига “Рангтасвир” фанининг ўқитишнинг асосий вазифаси талабаларда ижодий тасаввурни ўстириш; ҳаётда воқеаликни кўриб идрок этиш; бадиий дид ва маданиятни таркиб топителиш, барча санъат соҳаларида композицияни қўллаш билиши; фандан олган билимларини ҳаётда ва ўқитувчилик касбида унумли фойдаланишни таъминлашдан иборат. рангтасвир фанининг принциплари билан танилиш, рангтасвир фани ҳақида умумий суҳбат дизайнер талабаларига акварел, яъни сувбўёқ билан ишлаш услуги ва рангтасвирнинг иссиқ ва совуқ рангларга бўлиниши ҳамда улардан қандай фойдаланиш ҳақида тушунча бериш, рангтасвир фанининг асоси амалий машғулотлар жараёнида ижодкорликка йўналтириш ва мустақил тасвирий санъат намунасини яратиш устида ишлашни шакллантиришга йўналтирилгандир, санъатда мазмун ва ғоянинг энг яхши ечимини топиш, ижодий маҳоратни ошириш нафосат тарбиясининг зарурий қисми, муҳим ўрни ўргатиш, рангтасвирнинг тасвирий санъатда тутган ўрни; дастгоҳли, монументал, декоратив рангтасвирнинг фарқловчи томонлар, реалистик рангтасвир қонунлари, композиция асослари, иссиқ ва совуқ ранглар, колорит, ритм, тус, ёриғлик, ранг доғи, умумий тус ва ранг бўёғи, турли тасвирлаш материаллари хусусиятлари, ранг уйғунлиги қонуниятлари, турли тасвирлаш воситаларидан фойдаланиш йўллари, ранг гаммаси, мотив, хиссийлик, яхлит кўриш, рангтасвир ишлаш методлари; суюлтиргичлар, мато, грунтлар, суюқ ишлов бериш, суртма; рангтасвир ашёлар; акварель, темпера, гуаш ва мойбўёқлар тўғрисида кўникмаларига эга бўлмоғи керак.

1.2 ТАЛАБАЛАРНИНГ БИЛИМИ ВА КЎНИКМАЛАРИГА ТАЛАБЛАР.

“Рангтасвир” фани бўйича талабаларнинг билими, ўқуви ва кўникмасига кўйиладиган талаблар:

а) тасаввурга эга бўлишлари керак:

- фанга тегишли бўлган назарий ва амалий маълумотларни ўрганиш, аниқ тасаввурга эга бўлишлари;
- ҳар бир элементга эътибор берган ҳолда, фан сирларини тўлиқ ўзлаштириб олишлари лозим.
- Рангтасвир фанини бозор иқтисодиёти шароитидаги ўрни ва аҳамиятини билиш;
- жамоа меҳнатини ташкил этиш ва бошқаришдаги рангтасвир қонуниятлар, ижтимоий мулоқот ва муомаланинг сирлари; меҳнатга тўғри мотивация муносабатини шакллантириш омиллари тўғрисидаги тасаввурларга эга бўлиш;
- шахснинг индивидуал, жинсий ва ёшга боғлиқ хусусиятлари, етуқлик даврида шахс тараққиётининг рангтасвир қонуниятлари; эътиқод ва соғлом дунёқарашни шакллантириш омиллари, ҳар бир ижтимоий вазиятда фуқаролик онги ва масъулиятини шакллантириш воситаларини аниқлай олиш.

б) бажариш лозим:

- талабалар фаннинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир мавзуга тегишли бўлган мустақил равишда керакли адабиётлардан фойдаланишлари, ижодий асарлар тайёрлашлари;
- кунлик дарсларда керакли маълумотларни йиғишлари, ноанъанвий усулларни такомиллаштирилган вариантларини ишлаб чиқишда иштирок этишлари.
- ўз устида мустақил ва ижодий ишлаш кўникмалари;
- ўзгалар меҳнати ва ижодий фаолиятини холис ва объектив баҳолаш.

1.3. ЎҚУВ РЕЖАСИДАГИ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН МАНТИҚИЙ БОҒЛИҚЛИГИ.

Саноат дизайн йўналишида рангтасвир фанни ўқитиш жараёнда бир қанча фанлар яъни ,лойиҳалаш, санъат тарихи, ҳайкалторошлик, қаламтасвир, компютер графикаси каби фанлар билан алоқадор.

1.4. ЎҚИТИШДАГИ ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАР.

Мазкур фан учун ишчи ўқув дастурини тайёрланаётганда республика бўйича рангтасвир ва дизайн йўналишидаги кафедралар ютуқларидан фойдалана қолмай балки СНГ давлатларидаги, шу йўналишлар бўйича янгиликлар ўрганиблиб чиқиб улардан фойдаланилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда шахсга йўналтирилган таълим. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутди. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошилишни назарда тутди.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш – янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллаш.

Келтирилган концептуал йўриқларга асосланган ҳолда, «Рангтасвир» фанининг мақсади, тузилмаси, ўқув ахборотининг мазмуни ва ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, маълум шароит ва ўқув режасида ўрнатилган вақт оралиғида ўқитишни, коммуникацияни, ахборотни ва уларни биргаликдаги бошқаришни қафолатлайдиган усуллари ва воситалари танлови амалга оширилди.

Ўқитишни ташкил этиш шакллари: диалог, полилог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, коллектив ва гуруҳ.

Ўқитиш воситалари ўқитишнинг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда - компьютер ва ахборот технологиялари.

Коммуникация усуллари: тингловчилар билан оператив тесқари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

Тесқари алоқа усуллари ва воситалари: кузатиш, блиц-сўров, оралик ва жорий ва якунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси.

Машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

Ўқув машғулотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида просморт топшириқлари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади.

Талабаларнинг танқидий (таҳлилий) фикрини ривожлантиришда интерактив услубларнинг муҳим ўрни бор, булар ҳамкорлик субъектларини ижодий изланишга йўналтириш, номаълум ҳолатни очишга, кашф этишга кўмак берувчи назарий-ақлий мулоҳазаларда ифодаланади.

Дарсни бошлаш жараёнида талабаларда кўтаринки кайфият, юксак эҳтирос, ижодий руҳланиш кузатилса дарс жараёнининг самарадорлиги юқори бўлади. Бунда ўқитувчининг фаолияти аниқ режа асосида, олдиндан тайёрланган ҳолда бўлиши зарур. Демак, ўқитувчи томонидан дарс давлат таълим стандартлари асосида олиб борилади.

2. ФАНИНГ МАЗМУНИ

Янгиланган педагогик тафаккур ва олий таълим муассасаларида рангтасвир фанини ўқитишнинг бадиий ижодий асослари янгиланаётган миллий рангтасвир фанининг талаблари асосида рангтасвир таълим жараёнида рўй берган, бераётган ва бўлиши муқаррар ўзгаришларнинг асосий хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан умумлаштиришга эҳтиёж туғилади. Рангтасвир таълимнинг ўзак масалаларини ҳал этмай туриб, унинг хусусий муаммоларини тўғри ечиб бўлмайди-ки, айнан мазкур жараён орқали шахс маънавияти шакллантирилади.

Рангтасвир фанининг асоси амалий машғулотлар жараёнида ижодкорликка йўналтириш ва мустақил тасвирий санъат намунасини яратиш устида ишлашни шакллантиришга йўналтирилгандир. Санъатда мазмун ва ғоянинг энг яхши ечимини топиш, ижодий маҳоратни ошириш нафосат тарбиясининг зарурий қисми, муҳим


рангтасвир фани бўйича талабаларнинг бадиий ва ижодий билимлари даражасини кенгайтириш.

рангтасвир усталари мероси ва улар ғояларига нисбатан тўғри муносабатда бўлиш, кўникмаларни шакллантириш;


республикамизда комил инсонни вояга етказишнинг бир бутун ҳолатдаги муаммоларини ҳал қилиш;

рангтасвир фани долзарб вазифалари, муаммоларини таништириш,

рангтасвир курси бўйича ўтказиладиган амалий машғулотларнинг мақсади – мустақил фикрлашга ўргатиш, фикрлашга оид кўникмаларни ривожлантириш ва муомала сирларига ўргатишдан иборат бўлиб, пировардда бу билим ва кўникмалар орқали рангтасвир билимларни амалиётга тадбиқ этиш соҳа ва йўналишларини аниқ тасаввур қилишга кўмаклашади.




Кластер



КУРС БЎЙИЧА МОНИТОРИНГ ВА МУСТАҚИЛ ИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

1. БИЛИМЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА УНИНГ Мониторинги

Талабаларнинг курс бўйича билимларини баҳолашнинг тест
топшириқларини тузиш
технологияси



АУДИТОРИЯДАН ТАШҚАРИ БАЖАРИЛАДИГАН ИНДИВИДУАЛ МУСТАҚИЛ ИШ

(мустақил иши – муддат 3 ҳафта)

Мустақил ишларни бажарилиши ва маслаҳатларни
олиб борилиш технологияси

<i>Машғулот шакли</i>	Аудиториядан ташқари бажариладиган мустақил ишларни бажариш бўйича маслаҳат
<i>Мустақил ишни бажарилиш режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Мустақил ишда кўриладиган мавзунинг ўрганиш ва уни мақсад ва вазифаларини белгилаш. 2. Мавзунинг режасини тузиш. 3. Мавзуларни танлаш ва улар устида ишлаш. 4. Натижаларни таҳлил қилиш ва улар асосида хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш. 5. Мустақил ишни жиҳозлаш.
<i>Мустақил ишнинг мақсади</i>	Талабаларда мустақил равишда амалий топшиқларга оид бирор мавзуда бажаришни амалга ошириш ҳамда хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишга ўргатишдир
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
мустақил равишда мавзунинг муаммо ва мақсадларини такомиллаштириш ва режасини тузиш;	мустақил равишда мавзунинг муаммо ва мақсадларини такомиллаштириш оладилар;
мавзунинг ёритиш режасини тузиш;	Мавзунинг ёритиш режасини қура оладилар;
Адабиётлардан ва репродукциялардан фойдаланган ҳолда мавзунинг ёритиш амалга ошириш;	Адабиётлардан ва репродукциялардан фойдаланган ҳолда мавзу ечимини топа оладилар;
натижаларни таҳлил қилган ҳолда қарор қабул қилиш;	натижаларни таҳлил қилган ҳолда қарор қабул қила оладилар;
қилинган ишлар бўйича амалий топшиқларни тайёрлаб ва уни презентация қилиб ҳимоя қилиш.	қилинган ишлар бўйича амалий топшиқларни тайёрлаб ва уни презентация қилиб ҳимоя қила оладилар.
• Ўқитиш воситалари	• Турли геометрик шакллар, гипс розеткалар, ҳар турли уй жиҳозлари, антик даври гипс боши ва ҳайкалларнинг нусхалари, турли рангда драпировкалар, Довуд бош ҳайкали бўлаклар
• Ўқитиш усуллари	мустақил иш
• Ўқитиш шакллари	Амалий машғулоти
• Ўқитиш шароити	• Молберт, планшетда тортилган қоғоз, акварел, гуаш, қалам, самгина, соуслар,
• Якунловчи босқичдаги шароит	• компьютер, мультимедиа проектор Молберт, планшетда тортилган қоғоз, акварел, гуаш, қалам,

Иш босқич- лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмун	Изоҳ	Талаба фаолиятининг мазмун
1- босқич. Тайёрлов босқичи	1.1. Мустақил ишларнинг рўйхати билан таништиради. Танланган мавзулар бир- бирини такрорламасли шартлигини билдиради.		Мавзулардан бирини танлайдилар.
	1.2. Мустақил иш мақсади, уни бажарилиш тартиби, тавсиялар билан таништиради.		Бажариш бўйича тавсияларни ёзиб оладилар.
2 - босқич. Талабала рнинг мустақил ишни бажариш босқичи. (5 кун)	Талабаларнинг мустақил ишни бажаришлари жараёнида адабиётлар ва репродукциялар асосида маслаҳатлар ва кўрсатмалар беришни ташкил қилади.		2.1. Мустақил ишда кўриладиган масалани ўрганадилар ва уни мақсад ва вазифаларини аниқлаб оладилар.
			2.2. Мавзунига оид композиция тузадилар.
			2.3. Адабиётлар ва репродукциялардан ўрганадилар
			2.4. Таҳлилий, қиёсий маълумотлар тўплайдилар.
			2.5. Натижаларни таҳлил қиладилар ва улар асосида композиция тузадилар ва ишлаб чиқадиладар
3- босқич. Яқун- ловчи босқич	3.1. Аудиториядан ташқари бажарилган мустақил иш бўйича презентация қилиш.		Гуруҳда мустақил ишларини презентация ва ҳимоя қилади. Ўз хулосаларини аргументлайди.
	3.2. Гуруҳ аъзолари ва ўқитувчи иштирокида пресс- конференция ўтказилади.		Савол-жавоблар амалга оширилади

Машғулотлар турлари бўйича ўқув соатларининг тақсимланиши
(Архитектура турлари бўйича)

№	Мавзулар номи	Маъруза	Амалий машғулот	Мустақил таълим
	I БЎЛИМ			
1	Соя ва ёруглик билан берилган контраст тондаги сода натюрморт (гризайл).		8	
2	Иссик фонда жойлашган содда ок буюмнинг хомаки тасвири.		2	
3	Совук фонда жойлашган содда ок буюмнинг хомаки тасвири.		2	
4	Бир-бирига якин булган ранглардаги (битта колоритдаги) сода натюрморт.		8	
5	Кушимча рангда берилган мурракаб натюрморт.		12	
6	Одам фигурасининг тасвири. (Акварель, гуашь).		12	
7	Интерьерда жойлашган гипсли фигуранинг тасвири. (акварель).		12	
8	Интерьерда жойлашган одам фигурасининг тасвири. (акварель, гуашь).		10	
9	Архитектуравий биноларининг экстерьерларинг тасвири.		10	

**МУСТАҚИЛ ИШ ТУРЛАРИ, ШАКЛЛАРИ ВА МАВЗУЛАРИ.
МУСТАҚИЛ ИШЛАР ТАРКИБИ**

№	III семестр 54 соат	
1	Оқ драпировканинг устидаги меваларнинг тасвири.	Амалий
2	Қўшимча рангдаги фонда жойлашган оқ буюмнинг тасвири.	Амалий
3	Қўшимча рангдаги фонда жойлашган оқ буюмнинг тасвири.	Амалий
4	Декоратив натюрмортнинг бадиий стилизациялаш (гуашь).	Амалий
5	Одамнинг елкагача бўлган портретинг тасвири (акварель).	Амалий
6	Одамнинг елкагача булган портретинг тасвири (гуашь).	Амалий
7	Турли хил интерьерларининг хомаки тасвирлари(акварель).	Амалий
8	Интерьерда жойлашган одам фигурасининг тасвири. (акварель, гуашь).	Амалий
9	“Келажак шахари” мавзусида архитектуравий композиция.	Амалий

1-МАВЗУ:

РАНГТАСВИР ФАНИ ХАКИДА УМУМИЙ СУХБАТ. Иссик фонда жойлашган содда ок буюмнинг хомаки тасвири.

Бу вазифа умумий 2 соатга мўлжалланган.

Дизайнер талабаларига рангтасвир фанининг асосий вазифаси талабаларда ижодий тасаввурни ўстириш; ҳаётда воқеаликни кўриб идрок этиш; бадиий дид ва маданиятни таркиб топитириш, барча санъат соҳаларида композицияни қўллай билиши; фандан олган билимларини ҳаётда ва ўқитувчилик касбида унумли фойдаланишни таъминлашдан иборат.

Рангтасвир фанининг асоси амалий машғулотлар жараёнида ижодкорликка йўналтириш ва мустақил тасвирий санъат намунасини яратиш устида ишлашни шакллантиришга йўналтирилгандир. Санъатда мазмун ва ғоянинг энг яхши ечимини топиш, ижодий маҳоратни ошириш нафосат тарбиясининг зарурий қисми, муҳим ўрни.

Дизайнер талабаларига бу ўқув йил жараёнида қўйилган натюрмортлар ва манзараларнинг ишлаш методикаси ўргатилади.

Натюрморт тасвирий санъат мактабининг асоси десак, муболаға бўлмайди. Натюрморт (ф.р натуре морте - ўлик, натура - табиий франсуз тилидан сўзма-сўз таржимаси) - тасвирий санъатда бир мақсадга хизмат қиладиган жонсиз нарсалардан композитсия саҳналантириб тасвирлаш жанри.

